Махмудова Мохинур Равшанбековна,
Самарқанд давлат университети
таянч докторанти

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

УЎК: 338.48/49

МАХМУДОВА М.Р. ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ушбу мақолада туризмни давлат томонидан тартибга солишга назарий ёндашувлар, унинг моҳияти ва мазмуни, туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, туризм инфратузилмасининг асосий элементлари, туризмни давлат томонидан тартибга солиш субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, туризм индустриясини тартибга солишнинг асосий воситалари ва йўналишлари тадқиқ қилинган.

Таянч сўзлар: туризм, туризм инфратузилмаси, туризм индустрияси, туризмни давлат томонидан тартибга солиш, туристик сиёсат, меҳмонхоналар, маркетинг тадқиқотлари.

МАХМУДОВА М.Р. ЗНАЧЕНИЕ И ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ТУРИЗМА

В статье рассматриваются теоретические подходы к государственному регулированию туризма, его сущность и содержание, основные направления государственной политики в сфере туризма, основные элементы туристской инфраструктуры, взаимоотношения между субъектами государственного регулирования туризма, а также основные инструменты и направления регулирования туризма.

Ключевые слова: туризм, туристская инфраструктура, индустрия туризма, государственное регулирование туризма, туристская политика, гостиницы, маркетинговые исследования.

MAHMUDOVA M.R. THE VALUE AND MAIN DIRECTIONS OF STATE REGULATION OF TOURISM

In the article is discussed theoretical approaches to the state regulation of tourism, its essence and content, the main directions of state policy in the field of tourism, the main elements of tourism infrastructure, the relationship between the subjects of state regulation of tourism, as well as the main tools and directions of regulation of tourism.

Key words: tourism, tourism infrastructure, tourism industry, government regulation of tourism, tourism policy, hotels, marketing research.

Кириш.

Туризм турли мамлакатлар миллий даромадини оширишнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Глобал иқтисодиётнинг муҳим сектори сифатида туризм индустриясининг жаҳон ЯИМдаги улуши мос тармоқлардаги мультипликатив самарани ҳисобга олган ҳолда 6 %ни ташкил этмоқда. Иқтисодиётнинг туризм тармоғи жаҳонда иш билан бандликнинг 6-7 %ини таъминловчи иш жойларини яратишда етакчилик қилмоқда. Халқаро туристик ташкилот (UNWTO) маълумотларига кўра, туризм дунё бўйича хизматлар экспортининг 30 %ини таъминлайди [12].

Бугунги кунда республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, хусусан, туризм соҳасини ривожлантиришда жаҳонда юз бераётган коронавирус пандемияси оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олиш, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Туризмни ривожлантириш бўйича 2021 йилда ҳам изчил ислоҳотларни давом эттирамиз. Айниқса, зиёрат туризми ва ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш учун бюджетдан 1 триллион сўм ажратилади» деб [10] деб таъкидлаши асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган. Республикамизда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг аҳамияти беқиёс эканлиги кўрсатилмоқда. Бу эса, республикамизда туризм соҳаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини ёритиб бериш амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида алоҳида стратегик аҳамиятга стратегик йўналиш ҳисобланади.

Илмий муаммонинг қўйилиши.

Туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг моҳияти ва мазмуни, воситалари ва усуллари, туризм индустрияси субъектлари фаолияти, туризмни тартибга солиш тамойиллари, туризм бозорини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, туризм инфратузилмасининг асосий элементлари, туризмни давлат томонидан тартибга солиш субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, туризм индустриясини тартибга солишнинг асосий воситалари ва йўналишлари билан боғлиқ муаммоларнинг илмий асослари Демченко Д.Н. [2], Пардаев М.Қ. [7], Рамадонова М.М., Макарченко М.А. [8], Новичков В.И., Полозков М.Ю. [5], Лебедев К.А. [3], Харрис Г., Кац К.М. [11], Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. [9]асрларида тадқиқ этилганлар.

Туризм бозорининг моҳияти ва мазмуни, унинг таркибий элементлари, асосий вазифалари ва функциялари, туроператорлар ва турагентлар, туристик объектлар, туризм бозори ривожланишини тартибга солишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий механизмлари, туристик хизматлар самарадорлигини баҳолаш усуллари, туризм соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, туризм инфратузилмаси, туризмни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш Алимова М.Т. [1], Маматқулов Х.М. [4], Харрис Г., Кац К.М. [11] ларнинг илмий асарларида баён қилинган.

Шунингдек, туризм инфратузилмаси моҳияти, туризм инфратузилмаси субъектлари, туризм индустриясининг ривожланиши, туризм соҳаси ривожланишининг самарадорлик кўрсаткичлари туризм соҳасида маркетинг тадқиқотлари бўйича масалалар Норчаев А.Н [6], Маматқулов Х.М. [4] ларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Юқорида келтирилган тадқиқотларга суянган холда, туризмни давлат томонидан тартибга солишдаги назарий ёндашувларни тартибга солиш борасида, туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, туризм инфратузилмасининг асосий элементлари, туризмни давлат томонидан тартибга солиш субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, туризм индустриясини тартибга солишнинг асосий воситалари ва йўналишларини тадқиқ қилиш борасида ҳали ечимини топмаган масалаларга доир изланишлар амалга оширилди.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнда туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш, туризмни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг мақсади, вазифалари ва йўналишларини ёритиш жараёнида соҳадаги трансформация жараёнларини ҳисобга олиш, туризм соҳасида давлатнинг ролини методологик ўрганиш, бу борада мутахассислар фикрини ўрганиш натижасида диалектик ва тизимли ёндашув, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди ҳамда инфратузилманинг таркибий қисмларининг ривожланиш йўналишларини белгилаб бериш ёндашуви асосланди.

Таҳлил ва натижалар.

Мамлакатимиздаги макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва туризмни ривожлантиришни ўзида акс эттирадиган кўрсаткичлар соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар стратегиясининг муваффақиятини ҳамда туризм индустриясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларида эришилган ютуқларнинг амалий ифодаси ҳисобланади.

Иқтисодий манфаатларга эришиш нафақат давлат тузилмаларини, балки хўжалик юритувчи субъектлар сифатида тадбиркорларни ҳам ўз ичига олганлиги сабабли, бизнинг фикримизча, туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш бўйича ёндашувларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бирлашган Миллатлар Жаҳон Туризм Ташкилоти (United Nations World Tourism Organization (UNWTO)) маълумотларига кўра, бутун жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10,4%и (2017 йилда унинг ҳажми 8,3 трлн. АҚШ долларига тенг бўлди), дунёдаги инвестицияларнинг 7%и, солиқ тушумларининг 5%и, жаҳондаги истеъмолчилик харажатларининг 11%и ва ҳар 16 та янги яратилаётган иш ўрнининг биттаси айнан туризм ва меҳмондўстлик индустриясининг ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур тармоқда аҳолининг иш билан бандлик даражаси 2016 йилга нисбатан 103% га ўсди ва 2017 йилда туризм ва сайёҳлик соҳасида бевосита 118,4 миллион киши (жаҳондаги умумий бандларнинг 3,8%и) иш билан банд бўлган бўлса, билвосита (туризмга хизмат кўрсатадиган тармоқлар билан бирга) 313,2 миллион киши фаолият кўрсатмоқда [13].

МДҲ мамлакатлари олимларидан М.М.Рамадонова ва М.А.Макорченколарнинг фикрича, «Туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг биринчи навбатдаги вазифалари – бу туризмни ҳуқуқий тартибга солишнинг келгусидаги такомиллаштирилиши ва ривожланиши ҳисобланади. Туризм ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш – бу бозор механизми шаклланишининг қулай шарт-шароитларини таъминлаш, давлатнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий мақсадларини реализация қилиш ва туризм ривожланишининг умумий концепциясини ишлаб чиқиш учун бозор конъюнктураси ва хўжалик субъектларига давлатнинг таъсиридир» [8].

Ривожланган туризм индустриясига эга мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, туризм соҳасида бизнесни муваффақиятли олиб борилиши давлат даражасида бу тармоққа қандай эътибор берилаётганлиги, уни давлат томонидан қай даражада қўллаб-қувватланганлигига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Ҳар бир давлат туризм индустриясидан бюджетга даромад олиши учун туристик салоҳиятни баҳолаш, туристик бизнесни ривожланиш дастурини тайёрлаш, туристик марказлар ва курорт ҳудудларининг зарурий инфратузилмаси лойиҳалари, уларни ахборотлар билан таъминлаш ҳамда хориж учун бренд ва рекламаларни тайёрлаш учун ўзларининг ҳудудлари тадқиқотига инвестициялар қилишлари зарур [11].

Маълумки, кўп ҳолларда туристик инфратузилманинг асосий элементлари сифатида курортлар, меҳмонхоналар ва туристик корхоналарнинг ривожланиши учун хусусий тадбиркорларнинг инвестициялари етарли бўлмайди, улар миллий туристик маъмуриятнинг алоҳида функцияларини бажаришга қодир бўлмайди.

Туристик талаб ва таклифга таъсир этувчи омилларни бирлаштириш яхлит мамлакат ёки унинг ҳудудларининг ривожланиш манфаатларини ҳисобга олган ҳолда туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш йўли билан амалга оширилиши зарур.

Мамлакатнинг умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризм соҳасининг аҳамияти ва унинг иқтисодиётга мультипликатив таъсири доирасининг кенгайиб бориши хорижий мамлакатларнинг кўпчилиги туризм индустриясини узоқ муддатли стратегиясини ишлаб

чиқиш ва туризмни иқтисодиётнинг энг устувор тармоқларидан бири сифатида қарашга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

XX аср охири ва XXI бошларида бир қатор мамлакатлар туризмни тартибга солиш соҳасида ўтказилган сиёсат ва тадбирларнинг таҳлили ривожланган туризм инфратузилмаси билан барча мамлакатлар учун умумий ҳисобланган баъзи асосий ёндашувни ажратиш мумкин [5]:

– яхлит мамлакат иқтисодиёти ва хусусан, алоҳида ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига туризмнинг кенг доирадаги таъсири ва муҳимлиги ушбу мамлакат учун юқори даражадаги мультипликатив самарани вужудга келтиради;

– туристларнинг келишини мувофиқлаштириш мақсадида мавсумдан ташқари туризмни рағбатлантириш ва мос равишда туризм инфратузилмаларига (аэропорт, авиа йўналишлар, транспорт коммуникациялари ва жойлаштириш воситаларига) босимни камайтириш муҳим ҳисобланади;

– янги туристик маҳсулотларни яратиш ва уларнинг рақобатбардошлигини ва туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш воситаси сифатида замонавий технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланиш туризмда трансформациялашиш жараёнлари чуқурлашишига олиб келади;

– туристлар учун хавфсиз ҳудудларни ташкил этиш ва уларнинг дам олиши билан боғлиқ хавфсизлик чораларини кучайтириш зарур;

– тарихий ва маданий меросдар ҳамда экологияни ҳимоялаш бўйича чоралар ва туризмни ривожлантириш бўйича тадбирларнинг узвий ўзаро алоқадорлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга;

– туристик хизматлар менежменти ва маркетинги, туризм бозорини ривожлантириш тенденцияларини таҳлил қилиш ва истиқболлаштириш бўйича доимий ва кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш келгусида туризм бозори конъюнктурасининг реал ҳолати бўйича хулосалар чиқариш имконини беради.

К.А.Лебедеванинг фикрича, «давлат томонидан тартибга солиш туризм соҳасида давлат сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади ва ушбу соҳани мувофиқлаштириш бўйича механизмлар тизимини ўз ичига олади» [3].

Замонавий туризм кўп миқдордаги турлари ва кўринишлари билан тавсифланади. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда туризмнинг ягона таснифлагичи мавжуд эмас. Туризмни қуйидаги мезонлар бўйича таснифлаш мумкин: географик белгилари; саёҳат мақсади; туристларнинг миллий тегишлилиги; саёҳатда бўлиш давомийлиги; ёш мезони; саёҳат вақтида ҳаракатланиш услублари; мавсумийлик; саёҳат вақтида транспорт воситаларини қўллаши; саёҳат вақтида жойлаштириш воситаларидан фойдаланиши; тур иштирокчиларининг сони.

Йилдан-йилга давлат ва ҳокимият органлари томонидан туризмга эътибор ошмоқда. Шунга кўра, мамлакатимизда туристик фаолиятни тартибга солишнинг ҳуқуқий базаси яратилган, бошқарув объекти сифатида туризмни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган. Республикамизда меъёрий-ҳуқуқий базанинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, туризм соҳаси ҳам умумий, ҳам махсус қонунчилик нормалари асосида тартибга солинади. Шундай бўлсада, ҳозирги кунда туризмни давлат томонидан тартибга солишнинг услубий асослари етарли даражада такомиллаштирилмаган.

Жамиятда амалга оширилаётган трансформациялашиш жараёнларига қарамасдан, туризм инсон фаолиятининг шундай соҳаси ҳисобланадики, унда туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми доимий ўсиб боради. Коронавирус пандемиясигача бўлган даврдаги статистик маълумотларга кўра, туристик фаолиятнинг натижалари бўйича соҳанинг мунтазам ўсиб борганлигини кўришимиз мумкин.

Давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсатини уни тартибга солиш, мувофиқлаштириш, ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида туризм соҳасида ҳокимият органлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, экологик ва маданий тавсифдаги усуллар ва тадбирлар тизими сифатида қараш мумкин.

М.Т.Алимованинг фикрича, ҳудудий туризм бозори ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш бозор механизмининг мўътадил ишлашини таъминлаш, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган ягона концепцияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бозор субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзаро

мувофиқлигини таъминлаш учун хўжалик субъектлари фаолияти ва бозор конъюнктурасига давлатнинг тартибга солувчи усул ва воситалари орқали таъсири тушунилади. Бунда туризм бозори ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш – туризм ривожланишини тартибга солиш сиёсатини ишлаб чиқиш жараёни, унинг асосий мақсади, вазифаси ва йўналишаларини белгилаб олиш ҳамда уни амалга оширишнинг усул ва воситаларини танлаш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади [1].

Бизнинг фикримизча, ҳудудий туристик сиёсатнинг устувор йўналишларига туризм соҳасида иқтисодий фаолият ривожланишининг асосий мақсадларини аниқлаш, туризм инфратузилмасининг ривожланиши, муайян ҳудудларда корхоналарни жойлаштириш бўйича хусусий секторни рағбатлантириш, туризмни ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар тизими кабиларни киритиш мумкин. Бу устувор йўналишларни реализация қилиш инвесторлар учун мувофиқ ҳудудлар жозибадорлигини аниқлаш ва харажатлар билан пул тушумлари ўртасида мутаносибликка эришиш йўли билан молиявий барқарорликни таъминлаш имконини берувчи йўналишларда амалга оширилиши зарур.

Туризм соҳасини инқироздан чиқиши соҳада бошқарув тизимини модернизациялаш ва миллий туризмни давлат томонидан тартибга солишнинг самарали механизмларини такомиллаштириш орқали амалга оширилади. Ҳозирги кунда давлат томонидан тартибга солишнинг мавжуд ташкилий-иқтисодий механизми алоҳида туристик соҳалар таркибий қисмлари ва уларнинг ривожланиш босқичларининг ўзаро самарали алоқадорлигини таъминлашга қодир эмас, жамиятга туризмнинг таъсирини комплекс тавсифи ҳисобга олинмаган.

Туризмни давлат томонидан тартибга солишнинг мавжуд механизмларини ҳар томонлама қўллашга асосланган **услубий ёндашувлар**нинг мавжуд эмаслиги яхлит ҳолда туризм соҳасини ривожланиши ва давлатнинг туристик сиёсатини амалга оширилишига тўсиқ бўлади.

Буларнинг барчаси давлат томонидан тартибга солиш механизмларига тегишли янги талаблар шаклланишини, яъни соҳада бошқарув инновацияларини жорий этиш, туристик маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, рентабелликнинг юқори даражасига эришиш, иқтисодиётнинг трансформациялашуви даврида хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташкилотлар тизимида туризмни мутаносиб ривожланишини таъминлашни шартлайди.

Туризм соҳасининг ривожланишини давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим воситаси туристик сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳисобланади.

Х.М.Маматқуловнинг фикрича, туристик сиёсат – бу парламентлар, ҳукуматлар, давлат ва хусусий ташкилотлар томонидан туристик индустрияни ривожлантириш учун шароитлар яратиш, туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш, туризм тизими фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташқи сиёсат, маданий ва бошқа характердаги чора-тадбирлар, усуллар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир [4].

Давлат туристик сиёсати унинг умумий сиёсати характерли қирраларига хос. Бироқ алоҳида специфик омиллари ҳам мавжудки, қайсиким улар таъсирида туристик сиёсат шаклланади. Уларга қуйидагилар киради [4]:

– мамлакатнинг табиий шароитлари (иқлими, географик ўрни, рельефи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси), қайсиким улар бор ёки йўқлигига қараб туризм мақсадларида қандай мақсадда фойдаланиши билан туристик сиёсатга таъсир ўтказади;

– туристик диққатга сазовор объектларга бориш имконини берувчи транспорт шароитлари;

– туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий шароитлари.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, туристик сиёсат мамлакатда турли ҳудудларнинг ривожланиш даражасини мутаносиблигига эришишга йўналтирилган ҳудудий сиёсатнинг фаол компоненти бўлиб ҳисобланади.

Ҳам ички истеъмол бозорида, ҳам хорижда миллий туристик маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш учун комплекс чораларни ишлаб чиқишда давлатнинг бевосита ва фаол иштироки муҳим ҳисобланади.

Туризм индустриясини тартибга солиш учун база бўлиб, тармоқнинг барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича узоқ муддатли стратегияларни қабул қилиш ва уларнинг асосида

1-жадвал. Туризмни тартибга солиш субъектлари ўртасида фаолият йўналишларини тақсимлаш[1]

Туризмни тартибга солиш бўйича давлат органлари фаолияти	Туризмни тартибга солиш бўйича туристик ташкилотлар ва бирлашмалар фаолияти
1. Туристик комплекс ривожланишининг стратегиялари ва дастурларини ишлаб чиқиш. 2. Туризм соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш. 3. Туризм индустриясининг ривожланиш йўл хариталарини ишлаб чиқиш. 4. Туристик ресурслардан оптимал фойдаланиш чораларини ишлаб чиқиш ва реализация қилиш. 5. Солиқлар қўлланилишини тартибга солиш. 6. Тармоққа имтиёзли кредитлар бериш. 7. Туристик инфратузилма объектларига инвестицияларни жалб этиш. 8. Туризм соҳасида кичик бизнесни ривожлантириш. 9. Туризм соҳасида илмий-тадқиқотларни ривожлантириш. 10. Соҳада кадрларни касбга тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш. 11. Туристларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш. 12. Туристик товарларига доир маркетинг тадқиқотларини олиб бориш. 13. Туризмнинг хавфсизлигини таъминлаш. 14. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. 15. Табиий ва тарихий меросни сақлаш ва тарғиб қилиш.	1. Миллий ва халқаро миқёсда ҳудудий туризмни ривожлантириш бўйича тақдимотлар қилиш. 2. Туристик оқимларни ошириш мақсадида икки томонлама ва кўп томонлама келишувларга эришиш. 3. Туристик бозорда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва истеъмолчилар хулқ-атворини ўрганиш. 4. Техник ва молиявий ҳамкорликни ташкил этиш. 5. Ахборотлар билан таъминлашни ташкил этиш (таҳлилий шарҳлар, реклама маълумотлари, йўл кўрсаткичлар ва махсус туристик ахборотларни чоп эттириш). 6. Бошқа минтақалар ва мамлакатларга туристик маҳсулотларни реализация қилиш (туристик агентликларни яратиш ёки вакиллик тўғрисида битимлар тузиш). 7. Ҳудудларда туристик ресурсларни муҳофаза қилишга кўмаклашиш (табиий муҳит, маданият ва санъатни ҳимоя қилишда акциялар ва кампаниялар ўтказиш).

ҳудудларда туризм ва туризмнинг алоҳида таркибий қисмларининг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. И.С.Тухлиев, Р.Ҳайитбоев, Б.Ш.Сафаров, Г.Р.Турсуноваларнинг фикрича: «Туризм индустрияси – бу меҳмонхоналар ва жойлаштириш воситалари, транспорт воситалари, умумий овқатланиш объектлари, кўнгилочар объектлари ва воситалари, даволаш, соғломлаштириш, спортга доир, диний маросимлик, ишбилармонликка ва бошқа мақсадларга молик воситалар, туризм операторлари ва туризм агентлигини амалга оширувчи, шунингдек туризм инфратузилма ташкилотлари мажмуидан иборат бўлади» [9].

Туризмни тартибга солиш давлат органлари маркетинг технологияларидан фойдаланган ҳолда бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини фаол ривожлантиришлари зарур. Туризм соҳасида давлат инвестициялари самарадорлиги хусусий капиталнинг аҳамиятли даражада иштирок этишини назарда тутувчи лойиҳаларни реализация қилиш орқали эришилади.

Бизнинг фикримизча, туризмни давлат томонидан тартибга солиш – бу туризм соҳасида давлатнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий мақсадларини реализация қилишга йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш, бозор субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш, туризм бозорида талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш ҳамда ушбу соҳани ривожлантириш механизмларини ташкил этувчи усуллар ва воситалар мажмуидир.

Туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш туризм индустриясини самарали ривожланишини таъминлайди. Туризмнинг мақсадлари ресурсларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, туризм соҳаси ва туристлар манфаатлари, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга риоя этиш, туризм манфаатларидан келиб чиқиб, туристик фаолиятни амалга оширишни таъминловчи тегишли қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий нормалар тизимини яратиш йўли билан амалга оширилади.

Туризм соҳасини тартибга солиш тартибга солишнинг давлат ва бозор механизмлари синтезидан ташкил топади. Туризмни тартибга солиш тизими маълум концепцияга асосланган умумий

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасига киритилган инвестициялар ҳажми[1]

Йиллар	Туризм соҳасига киритилган инвестициялар		
	Ҳажми, млрд. сўм	Базис йилига нисбатан ўсиши, %	Соҳага инвестицияларнинг ялпи инвестициялардаги улуши, %
2010	357,8	100,0	2,3
2011	421,2	117,7	2,3
2012	514,7	143,9	2,3
2013	606,3	169,5	2,1
2014	731,4	2,0 марта	2,1
2015	851,4	2,4 марта	2,1
2016	1052,1	2,9 марта	2,2
2017	1428,3	4,0 марта	2,1
2018	1956,1	5,5 марта	1,8
2019	1741,6	4,8 марта	0,9

ва махсус, қисқа ва узоқ муддатли чоралар, усуллар, тамойиллар, воситаларни ўз ичига олади. Бунда туризмни ривожланишига таъсир этишнинг давлат ва бозор механизмлари доимий ўзаро алоқадорликни шакллантириши зарур. Давлат, бизнес ва туристик индустриянинг ўзаро муносабатлари трансформацион жараёнларда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун зарур синергетик самарани бериши мумкин.

Туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари 1-жадвалда келтирилган.

Тажрибалар шундан далолат бермоқдаки, туризм бозорини ривожлантиришда кўпчилик мамлакатларнинг олдида турган вазифалар қуйидагилардан иборат:

– мамлакатда мавжуд бўлган туристик имкониятлардан самарали фойдаланиш;

– туристик индустрия объектларини замонавий технологиялар асосида жиҳозлаш;

– туризм ривожланишини табиий ва тарихий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштириш;

– туристик транспорт парклари тармоқлари ишончлилиги ва самарадорлигини ошириш;

– туристик маҳсулотларга нарх ва ундан олинадиган самара ўртасида оптимал нисбатни ўрнатиш;

– ҳар хил турдаги товарлар ва хизматлар кўрсатиш орқали туристларни кенг кўламда жалб этиш;

– туристик маҳсулотларга талаб ва таклиф ўртасида мувофиқликни таъминлаш;

– туристларга рақамли хизматлар кўрсатиш тизимини жорий этиш ва уларга саёҳат давомида қулайликларни яратиб бериш;

– туристик кластерларни шакллантириш ва туристик ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни таъминлаш;

– туристик товарлар ва хизматларга реклама бўйича тезкор амалий ишларни ривожлантириш.

Кейинги йилларда туризм миллий хўжаликлар иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ўсаётган ва йирик экспорт соҳасига айланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда республикамизда туризм соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналиши бўлиб, соҳада инвестициялар самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Шунга кўра, мамлакатимизга хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун қулай ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар ва имтиёзлар яратиш, хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини амалга ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш инвестиция сиёсатининг асосий тамойиллари бўлиб ҳисобланади.

1-жадвалда Ўзбекистон Республикасида 2010-2019 йилларда туризм соҳасига киритилган инвестициялар ҳажми келтирилган бўлиб, 2019 йилда ушбу кўрсаткичнинг ҳажми 1741,6 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда 2010 йилга нисбатан 4,8 мартага ошган. Шунингдек, соҳада инвестицияларнинг ялпи инвестициялардаги улуши 2010 йилда – 2,3 %ни, 2019 йилда эса – 0,9 %ни ташкил этган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ҳар бир мамлакатда миллий туристик маҳсулотлар маркетинги ҳам давлат сиёсатининг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. У туристик нуфузни шакллантириш ва реализация қилиш, ижтимоий ривожлантиришга йўналтирилганлиги, бу мамлакатга хорижий туристларни жалб этишнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Мамлакатнинг туристик нуфузини шакллантириш ва самарали ривожлантиришда қуйидаги маркетинг коммуникацион чора-тадбирлар ҳам муҳим аҳамиятга эга:

– туризм соҳасида янги товарлар ва хизматлар тўғрисида ягона ахборот майдонини шакллантирувчи ахборот реклама материаллари базавий пакетларини тайёрлаш ва нашр эттириш;

– туристик маҳсулотларни реклама қилиш асосида ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича рақобатчилик муҳитини шакллантириш;

– халқаро туристик кўргазмалар ичида ягона миллий стенд билан иштирок этиш;

– хорижий мамлакатларда миллий ахборот реклама туристик марказлари ва ваколатхоналари фаолиятини ривожлантириш;

– хорижий оммавий ахборот воситаларида туристик товарлар ва хизматлар ҳақида ахборот, эмоционал ва мотивацион майдонни вужудга келтириш ва реклама тарғибот компаниясини ўтказиш;

– хорижий туристик ташкилотлар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш мақсадида улар билан алоқаларни таъминлаш;

– мамлакат бўйича маршрутлар ва турлар, туристик индустрия корхоналари, туристик жойлаштириш жойлари бўйича маълумотлар банкини шакллантириш;

– давлатнинг туристик имкониятлари бўйича рақамли маълумотларни олиш ва узатиш имкониятларини кенгайтириш.

Хулоса ва таклифлар.

Республикамизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган сиёсатнинг ижобий натижаси ва самарадорлиги қуйидагиларда намоён бўлмоқда: туризмни комплекс ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, қўшни ва узоқ хорижий мамлакатлар билан интеграцион алоқаларни мустаҳкамланиши, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туризм соҳасида хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби йўналишлар.

Туризмни тартибга солишнинг муҳим воситаси бўлиб, туристик фаолиятни лицензиялаш, стандартлаштириш ва сертификатлаш ҳисобланади. Туризм соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш туристик бизнесни самарали ташкил этиш, туристик маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда барча категориядаги туристлар учун жозибадорликни ошириш объектив шарт-шароитларини яратишни назарда тутади.

Туристик маҳсулотлар ва хизматларни лицензиялашни амалга оширишда қуйидаги мақсадлар назарда тутилади: а) мамлакатда туристик ташкилотлар ва тадбиркорлар фаолиятлари ҳамда халқаро иқтисодий, илмий-техник ҳамкорликда иштирок этиш учун шарт-шароитларни яратиш; б) туристик маҳсулотлар (хизматлар) таклифини истеъмолчилар талабига мослаштириш; в) туристларнинг истеъмолчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; г) истеъмолчилар саломатлиги ва атроф муҳит учун маҳсулотлар хавфсизлигини назорат қилиш; д) туристик маҳсулотлар сифати кўрсаткичларини тасдиқлаш.

Туризмни давлат томонидан тартибга солиш туристик сиёсат асосида амалга оширилади. Ушбу сиёсат туризмни ривожлантиришнинг ташкилий, экологик, ижтимоий, иқтисодий ҳамда институционал асосларини такомиллаштириш бўйича мақсадли дастурларни реализация қилиш орқали амалга оширилади. Шунга кўра, давлатни туризмни тартибга солиш сиёсати қуйидаги асосий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилиши керак:

– чекланган ва камёб туристик ресурсларни самарали тақсимлаш;

– туристик дестинация (ҳудуд)ларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш;

– туризмнинг самарали ривожлантириш концепцияси ва дастурларини ишлаб чиқиш;

– туристик ишлаб чиқариш ёки туристик даромадларни адолат тамойили асосида тақсимлаш.

Фойдаланилган адабиёт рўйхати:

1. Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) // И.ф.д. дисс. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. 25-26-б.

2. Демченко Д.Н. Взаимодействие государства и бизнеса: принципы, инструменты, институциональная трансформация в посткризисной экономике. Автореф. дис. канд. экон наук. Ростов-на-Дону. – 2005. – С. 15.

3. Лебедев К.А. Совершенствование государственного регулирования в сфере туризма // Стратегия устойчивого развития регионов России. – 2014. – №. 24. – С. 139-141.

4. Маматқулов Х.М. Туризм инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2011. 4-5-бетлар.

5. Новичков В. И., Полозков М. Ю. Анализ опыта государственного регулирования туризма в развитых странах //Journal of new economy. – 2008. – №. 3 (22). – С. 46-49.8.

6. Норчаев А.Н. Туризм инфратузилмасида кутилаётган ўзгаришлар ва имкониятлар. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019.

7. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод-молия», 2008. - Б. 133.

8. Рамадонова М. М., Макарченко М. А. Государственное регулирование туристической деятельности //Альманах научных работ молодых ученых университета ИТМО. – 2016. – С. 211-213.

9. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 151-б.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 30.12.2020. https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu

11. Харрис Г., Кац К.М. Стимулирование международного туризма в XXIвеке. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 240 с.

12. UNWTOTourism Highlights.Edition 2017. - Madrid, WTO Publications Department.-2018.

13. Travel & Tourism Economic Impact 2016 World [Электрон манба]: http://www.wttc.org